

# **Халқ банкида «Исломий дарча» очиш бўйича шартнома имзоланди**



11:30 / 15.01.2021 3565

Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини Ислом динига эътиқод қилувчи юртдошларимиз ташкил этади. Банк Ахборот хизмати хабар беришича, мамлакатда Ислом молия соҳасини жадал ривожлантириш имконини беради. Муҳими, бу борада амалий-саъй-ҳаракатлар бошланган.

Мана, энди акциядорлик тижорат Халқ банки ҳам ана шу қизғин жараённинг фаол иштирокчисига айланди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати хабар берди.

Яъни, Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (ICD) билан истиқболли шартномани имзолади. Унга мувофиқ, банкда шаръий тамойиллар асосида фаолият юритадиган «Исломий дарча» очилиши режалаштирилмоқда.

Мазкур хайрли ташаббус натижаси, биринчи навбатда, мусулмон юртдошларимиз учун кенг имконият ва қулайликлар яратади, — дейди Халқ банки Бошқаруви Раиси Фарҳод Саламов. — Қолаверса, бундан банкимиз ҳам катта манфаат кўриши, шубҳасиз. Эзгу ниятлар билан бошлиётган ишимиз келажакда кутилган натижаларни беришига ишончим комил. Негаки, Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси — узоқ йиллик молиявий ҳамкоримиз ва вақт синовидан

ўтган ишончли шеригимиздир.

Ислом молиясининг асосий мақсадларидан бири, бу реал иқтисодиётга ижобий таъсир қилиш ва унинг ўсишини таъминлашдан иборат, — дейди Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси Бош директори Айман Седжини. — Шу мақсадда Халқ банки билан ҳамкорликда «Исломий дарча» очишни мақсад қилдик. Албатта, бу келишувиз мамлакатда банк хизматларидан фойдаланмаётган мижозлар учун ҳам қўл келади. Чунки, бу «Исломий дарча»ни очиш орқали мижозларга ва жисмоний шахсларга уларнинг эътиқодидан келиб чиқсан ҳолда муқобил молиявий хизмат турларини таклиф қилиш ҳамда уларнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш мумкин бўлади.

Онлайн муроқот якунида Халқ банки Бошқаруви Раиси ҳамда Ислом корпорацияси Бош директори томонидан «Исломий дарча» очиш юзасидан шартнома имзоланди.